

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 1 (3) 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/1342V3I1Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL
SCIENCES**

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – психология фанлари доктори (DSc), доцент. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат бошқаруви академияси;

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилди.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Шаисламова Наргиза Кабиловна

КОРХОНАНИНГ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ РИСК
ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 7-20

Mavrulova Nilufar Abduxalilovna

TIBBIY SUG'URTA: AMALDAGI TURLARINI RIVOJLANTIRISH VA MAJBURIY
TURINI JORIY ETISH IMKONIYATLARI 21-29

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Маматкулов Давлатжон Махаматжонович

ИСЛОМ ҒОЯЛАРИНИ ЎРТА ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ 30-36

Umarjonov Sohibjon Soyibjon o'g'li

IBN SINONING "ISHORALAR VA TANBEHLAR" ASARI VA POSTKLASSIK ISLOM
FALSAFASINING BOSHLANISHI 37-50

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ahmedov Oybek, Tilavova Malika

SEMANTIC STRUCTURE OF WORDS RELATED TO EDUCATION IN
ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES 51-62

Ашурова Ситора Эркиновна

ВАЖНОСТЬ КОМПЬЮТЕРОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКОВ 63-69

ЮРИДИК ФАНЛАР

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи

СУДНИНГ ҲУҚУҚНИ ШАРҲЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА 70-77

Авезова Элеонора Парахатовна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ
ҚИЛИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ 78-86

Ахмедова Шахноза Озоджоновна

СООТНОШЕНИЕ ОЦЕНКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ И
ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ 87-95

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Tashpulatov Farxad Alisherovich

GANDBOLCHILAR O'YIN FAOLIYATI SAMARADORLIGINI HAR TOMONLAMA
BAHOLASH METODIKASI 96-104

Парманов Абулқосим, Абдурашидова Мавжуда

ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УСУЛИ ҲАҚИДА..... 105-110

Hamrayeva Zuhro Bahodirovna

BOLALARNI GO'DAKLIK DAVRIDAN SUZISHGA O'RGATISH ORQALI JISMONIY
RIVOJLANISHINI TAKOMILLASHTIRISH 111-119

Tўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи

ТАЛАБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ-КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ ЛОЙИҲАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ 120-126

Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛҒУСИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ
СИФАТИДА 127-135

Shermatov Gulom Kaxxorovich

“5-1” НИМОҲАСИНИ ВАЖАРИШДА ГАНДБОЛ О'ЙИНЧИЛАРИНИНГ ТАКТИК
О'ЗARO TA'SIRI 136-143

*Педагогика фанлари***Абдурахмонова Сайёрахон Шахобидиновна**Андижон давлат педагогика институти
Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси**АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ – БЎЛГУСИ ТАРБИЯЧИЛАРДА КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА**<https://doi.org/10.47390/1342V3I1Y2023N14>

Аннотация. Ушбу мақолада акмеологик ёндашув асосида бўлгуси тарбиячиларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш зарурати ва уларни акмеологик ёндашувдан фойдаланиш омиллари ҳақида фикр юритилган. Интеллектуал, шахсий, ахлоқий хусусиятлар ва касбий – педагогик фаолиятни ташкил қилиш, амалга ошириш имкониятлари ёритилган. Бу орқали меҳнат бозорининг талабларига жавоб берадиган янги касбий компетенцияларни шакллантириш зарурати кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: акмеология, акмеологик ёндашув, модернизация, ахлоқий сифатлар, коммуникатив, креатив фаолият, интеллектуал хусусият, баҳоловчи мезон.

Абдурахмонова Сайёрахон ШахобидиновнаАндижанский государственный педагогический институт
Воспитатель отдела дошкольного образования**АКМЕОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД - КАК ОСНОВА ПОВЫШЕНИЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГОВ ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАНИЯ**

Аннотация. В данной статье рассматривается необходимость совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей на основе акмеологического подхода и факторы использования ими акмеологического подхода. Выделяются интеллектуальные, личностные, нравственные характеристики и возможности организации и осуществления профессионально-педагогической деятельности, посредством чего рассматривается необходимость формирования новых профессиональных компетенций, отвечающих требованиям рынка труда.

Ключевые слова: акмеология, акмеологический подход, модернизация, нравственное качество, коммуникативная, творческая деятельность, интеллектуальный характер, оценочный критерий.

Abdurakhmanova Sayorakhan Shakhobidinovna

Andijan State Pedagogical Institute
Teacher of the Preschool Education Department

ACMEOLOGICAL APPROACH - AS THE BASIS OF IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF THE EDUCATORS IN HIGHER EDUCATION

Abstract. This article discusses the need to improve the professional training of future teachers based on the acmeological approach and the factors of their use of the acmeological approach. Intellectual, personal, moral characteristics and possibilities of organization and implementation of professional-pedagogical activities are highlighted. Through this, the need to form new professional competencies that meet the requirements of the labor market is considered.

Key words: acmeology, acmeological approach, modernization, moral qualities, communicative, creative activity, intellectual character, evaluative criterion.

Кириш.

“Бизни ҳамиша ўйлантриб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”.

Ш.М.Мирзиёев

Жахонда меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, талабалар томонидан касбий-педагогик жиҳатдан тайёргарлигини чуқур ўзлаштириш, етарли даражада билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишини, педагогик, умумкасбий ва махсус фанларни турли босқичларда ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашни тақозо этади.

Педагогик кадрларнинг юксак касбий тайёргарлиги кўп жиҳатдан олий таълим муассасаларида шакллантирилган салоҳият, унинг таълимий

эҳтиёжларини қондириш ва касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан таълим тизимни тубдан қайта кўриб чиқиш, профессионал билимларни эгаллаш учун имкониятларни кенгайтириш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлаш зарурати юзага келди.

Бўлғуси тарбиячиларни тайёрлаш, тарбиялаш мамлакатимизда бир қатор ислохатларни чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларнинг модернизациялашуви, олий таълим тараққиёти ва талабаларни тарбиялаш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янгича қарашлар қарор топаётган бир даврда келажак авлод таълим-тарбиясини ташкил этиш, бошқариш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш масаласи янада долзарблик касб этмоқда.” ...Ўзбекистон Республикасининг олий таълимини модернизациялаш Концепсиясига мувофиқ, олий таълимнинг асосий вазифалари: меҳнат бозорида рақобатбардош, малакали, масъулиятли, ўз касбини яхши биладиган; мутахассислик бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлай оладиган малакали педагогни тайёрлашдан иборат” [1]

Олий таълим муассасаларида билим олаётган бўлғуси тарбиячиларга сифат жиҳатидан замонавий ёндашувлар асосида касбий тайёрлаш зарурати муҳим аҳамият касб этади. Бўлғуси тарбиячининг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришда акмеологик ёндашувни амалга ошириш жаҳон тажрибаларига таянилмоқда. Уларни мамлакатимиз анъанавий таълим шароитлари ҳамда унинг эҳтиёжларига мослаштирилмоқда.

Жаҳон миқёсида акмеологик қобилятини таркиб топтириш шароитида касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда бўлғуси мутахассисларнинг анъанавий шаклдаги олган билимлари билан касбий-шахсий фаолиятини муваффақиятли ташкил эта олмаслиги, меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлай олмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида касбий тайёргарлиги, касб даражаси ва малакасини узлуксиз такомиллаштириб бориш, замонавий талабларга мувофиқ педагогик ёндашувлар асосида касбий ва шахсий ривожланиш даражасини таъминлаш масаласи долзарблигини белгилайди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида [2] “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак” деб таъкидлаб ўтган эди.

Шу ўринда, Олий таълим тизимида касбий лаёқатга эга мутахассисларни тайёрлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ривожланган ва ривожланаётган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, республикамиз давлат таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар етиштириб чиқариш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада ривожлантириш асосида уларнинг сифат даражасини кўтариш ва самарадорлигини таъминлаш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Маълумки, акмеология инсоннинг етуклик даври пиллапоясида, ва айниқса ривожланишнинг у томонидан одатда ундаги етукликнинг шаклланганлигини кўрсатувчи юқори даражага эришгандаги ривожланиш ҳодисалари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади. Фаннинг асосий тушунчаларидан бири саналган “акме” тушунчаси юнонча юнон. акме етуклик, чўққи, камолот, юксалиш, етуклик, logos - таълимот, фан)маъноларини англатиб, мазмуни катта ёшли инсон ривожланиши ҳақидаги фан сифатида кўпроқ қўлланилиб келинади.

Акмеология атамаси, эврилогия (П.Энгельмейер), эргонология (В.Мясищев), рефлексология (В.Бехтерев) каби соҳалар сингари илмий-амалий билимларга эга бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган.

Акмеологияда одам касбий фаолият ва ўз ҳаётини ўзи белгилаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ижодкорлик қобилияти, инсон ҳаёт фаолиятида субъект сифатида қараб чиқилади [3;88-90-б].

Акмеологиянинг предметида шахс индивидуал фаолиятининг барча соҳаларида эришган максимал етукликка эга бўлиши лозим деган концепция юзага келган. Максимал етуклик шахс ривожининг юқори чўққиси ва индивидуал фаолият билан боғлиқ. Акмеология изчиллик, яъни мукамаллик чўққисига интилиш, бу – инсон ҳаётининг ажралмас хусусияти бўлиб, бу ибора орқали шахсий, касбий ривожланиш ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга мойиллик англатади.

Акмеологияда инсоннинг касбий фаолияти ва ўз ҳаётини ўзи белгилаши, ўзини-ўзи ривожлантириши ва ижодкорлик қобилиятини шакллантириши, унинг ҳаётий фаолияти субъект сифатида қараб чиқилади. Акмеология фанининг асосий вазифаси онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан, танлаган касби, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намоиш этишига боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлашдир.

Мамлакатимизнинг қатор педагог олимлари, жумладан, Р.Х.Джўраев, Я.Исмадияров, Н.А.Муслимов, А.Р.Ходжабаев, М.Б.Уразова, Р.Г.Исянов,

Ш.С.Шарипов, Н.М. Ахмедованинг тадқиқотларида таълим сифатини оширишни режалаштириш ва назорат қилиш, ижодий тафаккурни шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш муаммолари ва ижодкорлик мазмуни татқиқ этилган.

В.Каримова “ҳар бир тараққиёт даврининг ўзига хос аҳамиятли томони бор, охириги йилларда акмеология фани пайдо бўлдики, у айнан етукликка эришишнинг шарт-шароитлари ва омилларини ўрганади, давр нуктаи назардан айна муҳокама қилинаётган ёш даврларининг хусусиятларини ўрганади” [4;98-б], деб таъкидлайди. Демак, ҳар бир ёш даврларида шахсда турли динамик хусусиятдаги акмеологик ривожланишни башорат қилиш мумкин.

С.Ю.Ашурова, Ш.Абдураимов, Б.С.Абдуллаева, У.Ш.Бегимқулов, Ш.Э.Қурбанов, Н.А.Муслимов, Р.А.Мавлонова каби олимлар томонидан таълим жараёнидаги интеграциянинг психологик-педагогик, методик муаммолари ва уларнинг ечимлари ўрганилган. Олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини ўқитиш масалаларига оид илмий изланишлар Л.Т.Ахмедова, Г.Бакиева, М.Гулямова, Ж.Жалолов, Х.Маматқулов, Ф.М.Рашидова, Т.К.Саттаров кабилар томонидан олиб борилган. Ўқитувчининг методологик маданияти, касбий фикрлаши, методик рефлексиясини шакллантириш ва интеграция муаммолари В.С.Безрукова, К.Э.Безукладников Н.И.Вьюнова, И.А. Зимняя, В.Краевский, А.В.Малев, С.Д. Смирнов кабиларнинг илмий ишларида асосланган. Хорижий давлатларда ўқитишни интегратив мазмундаги билимлар асосида ташкил этиш, D.Coste, B.North ва J.Trim, March T, Tomlinson B,каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда M.Canale ва M. Swaim алоқа нутқ тизимларининг назарий-методологик асосларини исботлаш, янги стандартларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир таълим босқичи учун ишчи услубий қўлланмаларни яратган ҳамда ўқув материали методик асосларини ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва ҳаётийлигини таъминлаш каби масалаларни ўрганган.

Г.Т. Тиллаева таъкидлашича, акмеология инсонни касб хунарни (мутахассисликни) эаллаш жараёнида энг юксак босқичларга етишиш муаммоларини ўрганувчи фандир. У инсонни юксак чўққига, касб-корда мукамаллик босқичида ўрганиш муаммоларини ўрганади [5;149-б]

М.М. Кашапов инсон ёш даврларида психик ва касбий ривожланиш босқичларини қуйидагича босқичларга ажратган:

I. Касбгача бўлган ривожланиш

- 1.1. Ўйиндан олдинги ривожланиш (3ёшгача);
- 1.2. Ўйин босқичи (мактабгача болалик 3-7 ёшгача);
- 1.3. Ўқув фаолиятини ўзлаштириш босқичи (7-8 дан 11-12 гача бўлган ёш)

II. Касб танлаш давридаги ривожланиш

2.1. Оптация босқичи (хаётга онгли тайёргарлик, меҳнат, касб йўлини режалаштириш, касб танлаш даври 13-13 дан 14-18 ёшгача)

III. Касбий тайёргарлик ва келгуси касбий маҳоратга эришиш давридаги ривожланиш

3.1. Касбий таълим босқичи (15-19 дан ёки 16-23 ёш);

3.2. Касбий мослашув босқичи (17-21 дан 24-27 ёшгача);

3.3. Касбий маҳоратнинг ривожланиш босқичи (21-27 дан 45-50 ёшгача);

3.4. Касбий маҳоратни намойиш этиш даври (46-50 ёшдан 60-65 ёшгача);

3.5. Суствлашиш босқичи (61-65 ёш) [6; 688-б]

Олий таълимда бўлғуси тарбиячиларни акмеологик ёндашув асосида касбий тайёрлашнинг асоси қуйидагиларни ташкил этади:

- бўлғуси тарбиячиларнинг борлиқ ва жамият ўртасидаги муносабат коммуникатив алоқаларини ўрганиш;

- бўлғуси тарбиячиларнинг ҳаётий мувоффақиятларга эришишини мўлжаллашда, шахсий сифатларни такомиллаштиришга, маданий ривожлантириш етуклигига ва таълим жараёнидаги ахлоқий сифатларга эришишга интилиши;

- креатив фаолиятни ташкил этишда, қизиқарли ва маҳсулдор, ҳар бир талабанинг қобилиятини очиб берувчи ва унинг муваффақиятларини таъминловчи, ижтимоий тан олинис, ўз етуклигини ҳис этиш, ижодий гуруҳларда шахсларо муносабатни ташкил этиш;

- бўлғуси тарбиячиларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш имконини берувчи омилларни аниқлаш;

- бўлғуси тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигни такомиллаштириш мазмунини очиб бериш;

- бўлғуси тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигни такомиллаштириш, шунингдек, мазкур жараён самарадорлигини таъминловчи технологияларни ишлаб чиқиш;

- бўлғуси тарбиячиларида инсонпарварлик сифатларининг тарбияланганлик даражасини баҳоловчи мезонларни асослаш;

Бўлғуси тарбиячиларнинг акмеологик ёндашувдан фойдаланиш:

- таълим оловчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва сақлаш, касбни муваффақиятли эгаллашга эришиш, ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрланиш ривожини, таълим ва тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш;

- қайта фикрлаш, ижодий тафаккур қилиш, таълим ички эҳтиёжга айланиши, барча субъектларда таълим тизимлаштирилган билиш мотивлари бўлиши, таълим-тарбия жараёнида таълим сифатининг ошиши имконини беради.

Хусусан, педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таълим олаётган бўлғуси тарбиячиларни касбий тайёргарлигининг юксак даражада бўлиши, уларда педагогик маҳоратнинг ривожланиши, ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориш мотивацияси, шунингдек, меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқадиган янги касбий компетенцияларни ўзлаштириш, инновацион фаоллик, бир сўз билан айтганда касбий компетентликни ривожлантириши зарур.

Таълимни модернизациялаш шароитида назариядан амалиётга ўтиш бўлғуси тарбиячилардан алоҳида типдаги фаолиятга тайёргарликни талаб этади. Бундай фаолиятни тизимлаштириш ва унинг асосий концептуал таркибий қисмларини пухта ўрганишда албатта касбий билим керак.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар, таълим тизмининг модернизация қилиниши, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологияларнинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсдаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаб боришни кўзда тутди. Таълим муассасаларининг бир тури сифатида мактабгача таълим ташкилоти, болаларнинг тарбияси, таълими, ривожланиши ва саломатлигига яхши йўналганлиги билан боғлиқ умумий хусусиятларга эга.

Олий таълимда акмеологик ёндашувни самарали амалга ошириш, таълим жараёни иштирокчиларидан барча жараёнларни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқишни талаб этади.

Шу билан бирга муаммоларни кўриш ва уларни ўз вақтида ечишни, доимий ўз-ўзини такомиллаштиришдан тўхтамасликка эришиш имконини беради. Акмеологик ёндашув асосида тарбиячиларнинг яхлит маънавий ва маърифий етуклигини таъминлаш, битирувчининг касбий фаолиятга ва ҳаётга юқори тайёргарлик даражасини белгилайди.

Бўлғуси тарбиячиларнинг тайёргарлик даражалари:

1. **Репродуктив даража** талаба тушунчалар моҳиятини репродуктив даражада ифодалайди; илмий билиш методларини етарлича эгалламаган, уларни педагогик амалиётда фақат қисман қўллаш олади, касбий яхши ривожланмаган.

2. **Продуктив даража** талаба ижодкорлигининг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар мавжудлигини назарда тутди. Аммо бу тасаввурлар чекланган ва мустақил педагогик фаолият олиб бориш учун етарли эмас, талаба ўқитувчи раҳбарлигида машғулоти ўтказишда кейинчалик қўллаш мумкин бўлган янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга мотивацияси мавжуд.

3. **Қисман изланишли даражада** талабанинг касбий фаолият муносабати билан характерланади. У педагогик методларни эгаллаган, уларни касбий

фаолиятида амалда қўллайди, янги ғояларни текшириш процедурасини ишлаб чиқишга қодир.

4. **Акмеологик даража** талабанинг юксак қобилиятлари ҳамда касбий билим, кўникма ва малакаларини мантиқий ва тизимли тарзда педагогик фаолиятда қўллай билиши, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиши ҳамда ностандарт педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиши каби кўникмаларни назарда тутди.

Мазкур кўрсаткичлар бўлғуси тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигини баҳолаш уларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар.

Бўлғуси тарбиячиларни касбий билимларни ўзлаштириш виждонан ёндашиш изланиш ва ижодга ундайди. Талабаларининг касбий фаолиятига оид акмеологик компетентлиги ривожлантириш, ўқув жараёнида, ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион методлар орқали касбий фаолиятга тайёрлашда қўлланилаётган малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари, хоналарининг моддий-техник базаси тизимли таҳлил қилиш, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича касбий фаолиятга акмеологик ёндашув асосида тайёрлаш ҳолати текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, талабаларнинг тайёргарлик ҳолати (билимлари) мунтазам таҳлил қилиниб бориш, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганишда касбга оид билимлар ва воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш жараёни таҳлилий ўрганиб бориш керак.

Бўлғуси тарбиячиларнинг акмеологик ёндашув асосида касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга таъсир кўрсатадиган шахсий хусусиятлар касбий фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш имкониятини самарали кечишини таъминлайди. Интеллектуал хусусиятлар ҳамда педагогик фаолият йўналишларини белгилайдиган ахлоқий хусусиятлар ва фазилатлар ҳам муҳим.

Демак, бўлғуси тарбиячиларнинг касбий тайёргарлик ривожланиши борасида унинг келажакда касбий-педагогик фаолияти ҳам такомиллашиб боради. Замонавий олий таълим муассасаси учун акмеологик ёндашув бугунги кунда келажакли ва истиқболли бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, юқори марраларга эришишга таъсир этиш мумкин бўлиши учун субъектга комплекс текширув ўтказилиши ва яхлитлигини қайта тиклаши, етукликка эришишга ўтишда, унинг индивид, шахс ва субъект сифатида-фаолият характеристикаси барча ўзаро алоқадорликлар ва вужудга келтирувчи сабаблар билан биргаликда ўрганилади.

Бу таълимдаги инновацион ёндашувлардан бири бўлиб, талаба ўз, шахсий акмесини аниқлаб олиши учун унда ўша танлаган ихтисослигига нисбатан кучли ундовчи мотивлар, ҳаётда эса муваффақиятларга эришиш мотиви ёки ютуқларга эришиш эҳтиёжи кучли ривожланади. Бўлғуси тарбиячиларнинг касбий фаолиятга тайёрлашда, ундаги шахсий сифатлар ва фазилатлари, унинг индивидуал кифасида намоён бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
2. <https://gov.uz/uz/news/view/20242>
3. Икрамов, Р. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования, 14(92), 88-90 –б.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1994. 98 – б.ф
5. Тиллаева Г.Т. “Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси” –Тошкент Фалсафа ва ҳуқуқ институти 2009. 149 –б.
6. Кашапов М.М. Психология творческого мышления профессионала: монография / М.М. Кашапов. – Москва: ПЕР СЭ, 2017. – С. 688.
7. Эрназарова Г.О. Акмеологик ёндашув таълим жараёнини ривожлантириш сифатида. "Science and Education" Scientific Journal December 2020 / Volume 1 Special Issue 4www.openscience.uz 296 –б.